

**Ф.Ш.Ҳамраева –ТМИ мустақил изланувчиси**

## **ЗАМОНАВИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ**

Мақолада мамлакатимиз суғурта бозорида мажбурий суғуртанинг ўрни, назарий асослари, мажбурий суғуртанинг асосий турлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя тизимида мажбурий суғуртанинг роли, мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларининг хусусиятлари суғурта бозори кўрсаткичларининг таҳлили, мажбурий суғуртани амалга ошириш амалиёти ва муаммолари аниқланиб, уларни ҳал қилиш борасида амалий тавсиялар келтирилган.

**Таняч сўз ва иборалар:** суғурта бозори, мажбурий суғурта ва унинг турлари, ижтимоий суғурта, ихтиёрий суғурта, суғурта қопламалари, тариф ставка, зарарлилик даражаси.

## **РОЛЬ ОБЯЗАТЕЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОЙ СТРАХОВОЙ СИСТЕМЕ**

В статье представлены теоретические основы роли обязательного страхования на отечественном страховом рынке, основные виды обязательного страхования, роль обязательного страхования в системе социально-экономической защиты, особенности обязательного и добровольного страхования, анализ показателей рынка страхования, практические рекомендации и решения для их решения.

**Ключевые слова:** страховой рынок, обязательное страхование и его виды, социальное страхование, добровольное страхование, страховое покрытие, тарифная ставка, уровень ущерба.

## **THE ROLE OF COMPULSORY INSURANCE IN THE MODERN INSURANCE SYSTEM**

The article presents the theoretical foundations of the role of compulsory insurance in the country insurance market, the main types of compulsory insurance, the role of compulsory insurance in the system of socio-economic protection, features of compulsory and voluntary insurance, analysis of insurance market indicators, practical recommendations and solutions to solve them.

**Keywords:** insurance market, compulsory insurance and its types, social insurance, voluntary insurance, insurance coverage, tariff rate, damage level.

### **Кириш**

Суғурта Ўзбекистон молия тизимининг тез суръатлар билан ривожланаётган соҳаларидан биридир. Суғурта соҳаси нисбатан янги бўлишига қарамай, молиявий муносабатларнинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларида йилдан-йилга муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Иқтисодиётнинг лозим даража ривожланмаганлиги, суғурта субъектлари ўртасида суғурта маданиятнинг пастлиги, қонунчилик соҳасидаги номувофикликлар, услубий таъминотнинг сустлиги ва бошқалар мажбурий суғурта тизими орқали

молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш механизмларидан тўлақонли фойдаланиш имконини бермайди.

Мажбурий суғурта ҳозирги босқичда иқтисодий муносабатларнинг инқирозларга қарши ва кафолатли чоралар тизими сифатида кўриб чиқилиши керак, бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта фондларини шакллантириш, кейинчалик эса суғурта ҳодисалари натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун фойдаланишни назарда тўтувчи муносабатлар ташкил этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Суғуртанинг мажбурий шаклига эҳтиёж унинг катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини билан изоҳланади. Мажбурий суғуртанинг айрим турлари мамлакат аҳолисининг кўпчилигини қўшимча ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди. Масалан, иш берувчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, бунинг мажбурийлиги меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқариш барқарорлигини ошириш, меҳнатда етказилган зарарларни қоплашга қаратилган ижтимоий жараёнларни ривожлантириш ва тартибга солишнинг энг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади [1].

Мажбурий суғурта турларининг ривожланиши суғурта хизматлар бозорининг асосий ташкил этувчиси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, иқтисодиётда барқарорликни таъминлайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари мажбурий суғурта турларининг тўлиқ ва иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожланиши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида суғурта маданиятининг ўсишига, бу эса ихтиёрий суғурта турларини ривожланишига олиб келади [2].

Ҳар қандай давлат ўзининг бюджетидан хафларни олдини олишга сарфланадиган харажатларни камайтиришда мажбурий суғурта турларини жорий этади. Шунингдек, мажбурий суғурта турларини жорий этиш орқали фуқароларда суғурта “одатини” шаклланиб боради. Бу борада мажбурий суғурта турларининг ўрни беқиёсдир [3].

Мажбурий суғурта бугунги кунда молиявий ривожланаётган бозорларда суғурта бозорини ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажариб келмоқда. Суғурта механизми мамлакатда иқтисодий барқарорликни кўллаб-қўватлашнинг муҳим тизимидир, сабаби у давлат харажатларини, шу жумладан табиий ва бошқа офатлар қурбонларига етказилган зарарларни қоплаш нуқтаи назаридан давлат бюджетига тушадиган оғирликни пасайтиради [4].

Кўпчилик МДҲ мамлакатлари суғурта бозорида мажбурий суғурта мукофотлари умумий суғурта мукофотлари таркибида кам салмоқни эгаллайди. Фақат Белоруссия Республикасида мажбурий суғурта турлари суғурта бозорининг асосини ташкил этади. Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида бу иккала суғурта турлари нисбатан мувозанатлашган. Ўзбекистон, Украина ва Азербайжон суғурта бозорларида мажбурий суғурта соҳаси кам ривожланган [5].

## **Таҳлил ва натижалар**

Суғурталашнинг аҳамияти ва ўрни қўйдаги асосий объектив сабабларга кўра ортиб боради:

– Йилдан-йилга турли хил техноген, табиий хусусиятга эга бўлган фавқулодда ҳодисаларнинг юз бериш частотаси ва ҳажмининг ошиб бориши;

– илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши туфайли тур хил янги рисклар сони кўпаймоқда, шунингдек, уларни бошқариш ва камайтириш бўйича етарли тажриба шакллантирилмаганлиги;

– иқтисодиётнинг ривожланиш моделини ишлаб чиқиш ва хўжалик субъектларининг ўзаро иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашиши, молия бозорларидаги рискларнинг ортиб бориши ва янги тадбиркорлик рискларининг пайдо бўлиши;

– ҳар йили аҳолининг қариши ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг функционал тизими, соҳасига бўлган эҳтиёжларнинг ўсиб бориши ва бошқалар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон суғурта бозори учун мажбурий суғуртага бўлган объектив эҳтиёж қўйдаги омиллар билан боғлиқдир:

– Фавқулодда ҳолатларда давлат томонидан ёрдам бериш имконияти чекланган, сабаби ижтимоий сиёсат учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми кам миқдорларни ташкил этади;

– деярли барча ишлаб чиқариш тармоқларида ишлатилаётган технологиялар ва асосий воситаларнинг эскирганлиги, бу ўз навбатида хавфсиз меҳнат жараёни ва атроф муҳитга зарар етказмаслик хавфини кафолатлай олмайди.

Шу билан бирга миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа учун мажбурий суғуртанинг фойдасини баҳолаш жуда қийин.

Биринчидан, суғурталовчининг молиявий ресурслари маълум бир босқичда кучли инвестиция воситасига айланиб боради.

Иккинчидан, суғурта бозорининг миллий иқтисодиёт тармоғи сифатида ривожланиши ва ўсиши билан суғурталовчилар кўплаб янги иш ўринларини яратувчиларга айланиб бормоқда (суғурта агентлари, суғурта брокерлари, аджастерлар, сьюейерлар ва бошқалар). Бу шубҳасиз ижтимоий соҳани кучайтиради ва ишсизликни камайтиришга ёрдам беради.

Охирги йилларда мажбурий суғурта тобора ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишларни камайтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида тилга олиниб келмоқда. Шу муносабат билан замонавий суғурта тизимида мажбурий суғурта турларининг ўрнини белгилашда асосий масала “ижтимоий” тушунча бўлиб қолмоқда. Ушбу “ижтимоий” тушунчанинг асосий моҳияти бу унинг жамиятга хослигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, мажбурий суғурта инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий ҳодисадир, яъни бу уларнинг иштимой, ишлаб чиқариш ва иқтисодий манфаатларини шакллантириш, ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларидир. Шу муносабат билан биз “ижтимоий”


тушунчасини “ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт” тушунчаси билан ўзаро боғлашимиз мумкин. Ижтимоий йўналтирилганлик умуман суғурталашнинг объектив эҳтиёжини юзага келтирувчи омил ҳисобланади. Шунга кўра, мажбурий суғуртага бўлган эҳтиёж, унинг келиб чиқиши, шунингдек, яшаш шароитлари хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш зарурати ҳисобланади.

Маълумки, ижтимоий тараққиёт прогрессив шкала бўйича кетмоғи керак, бу жамият ривожланишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Суғуртага келсак, у молия, кредит ва пул категориялари сингари жамиятни ривожлантириш йўлидаги муқаррар ҳодисадир.

Ҳозирги кунда замонавий давлатнинг асосий мақсадларидан бири бу ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт моделини яратиш заруратидир, бунда шахнинг (индивиднинг) манфаатлари биринчи ўринда бўлиши керак. Ўз келажагига ишонч, жамият қадриятларининг сақланишида хотиржамлик, сифатли тиббий хизмат булар инсонга ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт бериши керак бўлган баъзи эҳтиёжлардир. Ривожланмаган мажбурий суғурта тизимсиз юқоридаги натижаларга эришиб бўлмайди. Шу муносабат билан мажбурий суғурта ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда унинг ижтимоий йўналтирилганлигини назарда тўтиш керак.


Учинчидан, тадбиркорлик фаолияти рискларини суғурталаш ва уларга етказилган зарарларни қоплаш орқали мажбурий суғурта илмий-техникавий тараққиёт ривожланиши таъминлайди ва кафолатлайди.

Тўртинчидан, суғурталовчилар йирик солиқ тўловчилардир, уларнинг муваффақиятли фаолияти турли даражадаги бюджетларнинг даромадлар базасини оширади. Шу билан бирга фавқулодда ҳолатларда зарарланган мол-мулкларни тиклашни молиялаштириш, бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни камайтиради, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди.



### 1-расм. Суғурта мукофотларнинг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси (млрд.сўм)[6]

Суғурта мукофотларининг ўсишига таъсир этувчи бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар мавжуд, булар ўртача иш ҳақи, ялпи ички маҳсулот ҳажми, солиқ, монетар сиёсат ва бошқалар. Бироқ, ривожланган Европа мамлакатларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, мажбурий чораларни кўрмасдан суғурта соҳасини ривожлантириш мумкин эмас. Бундай мажбурий чоралар мажбурий суғурта турларини жорий этиш билан амалага оширилади, бу ўз навбатида бутун суғурта соҳасининг ривожланишига олиб келади.




### 2-расм. Суғурта қопламаларининг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси (млрд.сўм) [6]

Мажбурий суғурта тизими орқали давлат жамият ривожланишининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда иштирок этади. Ҳозирги босқичда транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, хавфли шилаб чиқариш объектларини мажбурий суғурта қилиш (кейинги босқичда мажбурий тиббий суғуртанинг жорий этилиши кўтилмоқда), айрим касб эгаларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш суғурта турларининг жорий этилиши бу бир вақтнинг ўзида иқтисодий асосланган ва тўғри ижтимоий йўналтирилган сиёсатдир. Бу давлатнинг иқтисодий аҳволи ва бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигини ошириш заруриятдан келиб чиқади. Шу билан бирга, мажбурий суғурта турларини ўтиш даврида жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган вақтинчалик чоралар сифатида кўриб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, кўплаб мажбурий суғурта турларининг иқтисодий моҳияти фуқароларни суғурталашдан кўра кўпроқ уларнинг ижтимоий таъминот масалаларини акс эттиради. Мажбурий суғурта турларини жорий

этган давлат, қонун чиқарувчи орган сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг замонавий эҳтиёжларига иқтисодий мос келадиган кафолатларнинг янги механизмларини тақдим этади. Бу ўринда биз иқтисодий адабиётларга мавжуд бўлган қарашларга қисман қўшилган ҳолда мажбурий суғурта кўпинча вақтинчалик ҳодиса деб қаралади, бунда давлат ўзининг айрим функциялари ва муаммоларини бизнесга, суғурталовчиларга топширади ва улар орқали ҳал қилади, натижада эса тежалган бюджет маблағларидан жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Бизнинг фикримизча, мажбурий суғурта турларининг асосий мақсади ва ижтимоий-иқтисодий табиати, бу аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали элементидир. Шу билан бирга, амалда бюджет харажатларини “камайтириш” механизмини тўла-тўқис қўллаш учун мажбурий суғурта турларини аниқ белгилаш ва қонуний равишда қабул қилиш лозим. Бунинг учун суғурта соҳасида амалда бўлган қонунчиликни мувофиқлаштириш талаб этилади.

Суғурталашнинг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларни ҳимоя қилишдир, бунинг учун пул маблағлари (суғурта мукофотлари) махсус ташкилотда (суғурта ташкилоти) йиғилиб келишилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлаш тушинилади. Шундай қилиб айрим субъектлар ўхшаш манфаатлари ва мақсадлари йўлида бирлашадилар, суғурталовчи эса бу муҳим ижтимоий жараёнда воситачи вазифасини бажаради. Мажбурий суғурталашда айнан давлат ва унга хос бўлган хусусиятлари ҳисобига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини суғурта механизми томонидан самарали ҳимоя қилишда уларни бирлаштириш қобилиятига эга. Мажбурий суғурта турлари орқали суғурта майдони, қўлами ва унинг қамровлиги ошади, яъни мажбурий суғурта соҳасига кўплаб суғурта объектлари жалб қилиниши орқали суғурта мукофоти тариф ставкаси камайиб боради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки ҳозирги кунда мажбурий суғурта бўйича зарарлилик даражаси 2018 йилда 0,28 фоизни ташкил этган (ҳалқаро амалиётда бу кўрсаткич 50-55 фоизни ташкил этади). Бу ҳам ўз навбатида юқорида таъкидланганидек тариф ставкаларини камайтиш имкониятини беради.



**3-расм. Суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси (фоизда) [6]**

Шу муносабат билан мажбурий суғуртанинг моҳиятини ихтисослаштирилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган доирада маблағларнинг марказлаштирилган (марказлаштирилмаган) фондини шакллантириш ва сарфлашга йўналтирилган иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида тушиниш мумкин. Айрим объектларни мажбурий суғурта қилиш тамойили давлат томонидан суғуртани тартибга солишнинг иқтисодий асосланган усулларидадан фойдаланишга имкон беради.

Мажбурий суғурта турларини тартибга солишнинг долзарблиги ва мажбурийлиги Ўзбекистон республикасининг Фуқаролик кодексига “мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади” деб таъкидлангандир.

Бундай вазиятда ҳуқуқий қарама-қаршиликлар (зиддиятлар) пайдо бўлади. Яъни суғурта турини мажбурий деб аташамиз учун бу ҳақда қонун бўлиши кераклиги таъкидланган. Ҳозирги кунда бу талабга жавб берадиган учта қонун ҳужжати мавжуд:

- Тарнспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;
- иш берувчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;
- ташувчиларнинг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш.

Бошқа томондан эса кўплаб мажбурий суғурта турлари қонун ости ҳуқуқий ҳужжатлар(қонун бўлмаган)билан киритилган. Бунда суғурта хизматларини тўғри амалга ошириш учун бил хил кафолатларни берилиши ва шарт-шароитларни таъминланиши керак бўлади.

Кўп ҳолларда мажбурий суғурта орқали давлат ўзининг махсус кафолатли ва ижтимоий дастурларини амалга ошириши мумкин. Бу биринчи навбатда ижтимоий суғурта соҳасига таълуқлидир (пенсия суғуртаси, тиббий суғурта). Энг аввало давлат ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда суғурта механизмидан

фойдаланиши фойдалидир. Биринчидан, давлат томонидан кўллаб-қуватлашга мухтож аҳоли сонини камаяди, иқтисодий фаол аҳоли эса ўзига-ўзи ғамхўрлик қилади. Иккинчидан, давлат бюджетнинг имкониятларидан янада самарали ва адолатли фойдаланилади, хусусан жамиятнинг кам таъминланган қатламларини тўла қонли ижтимоий қамраб олиш имконияти ошади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиб бораётган ҳозирги шароитида мажбурий суғурталашнинг объектив зарурияти унинг ижтимоий функцияларни бажариши, суғурта маданиятини шаклланишидаги хиссаси, суғурта ташкилотлари фаолияти учун барқарор молиявий базанинг шаклланиши, шунингдек суғурта фаолияти тўғри ташкил этилиши бюджет маблағларини тежашга яқиндан ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, миллий суғурта бозорининг ҳозирги ҳолатида аҳолининг барча хавф гуруҳлари ва хўжалик юритувчи субъектлар хавфларини қамраб олиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар ва табиий офатлар туфайли етказилган зарарлар миқдорини қоплашда давлат бюджети харажатларини сезиларли камайтиришда мажбурий суғуртанинг ўрни беқиёсдир. Шу муносабат билан мажбурий суғурта тамойилларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний белгилаб қўйиш ва қонун ости ҳужжатлар асосида мажбурий суғурта турларини жорий амалиётга чек қўйиш, шунингдек олдин қабул қилинган мажбурий суғурта турларини яхлит тизимга бирлаштириш ишларини тезлаштириш керак бўлади. Бунда мажбурий суғурта тизими иқтисодиётнинг юқори хавфли объектлар ҳимоясини таъминлашда давлатнинг энг муҳим мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши ва кам бюджет маблағларни талаб қилиши керак бўлади.

Суғурта негизлими (ҳуқуқий нормаларнинг бир-бирини инкор этиши) шароитида ихтиёрий суғурталаш турларини ривожлантиришнинг ягона йўли бу мажбурий суғурта турларини жорий этиш ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ушбу чора кўп ҳолларда вақтинчалик ва биринчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта тузимидан фойдаланиш имкониятларини белгишла қаратилгандир. Суғурта муносабатлари – бу иқтисодий муносабатларнинг алоҳида бир тури бўлиб, унинг жорий этилиши ҳар қандай тадбиркорлик субъекти учун муҳим аҳамият касб этади. Одатда мажбурий суғурта турларини жорий этилиши иқтисодиётнинг муайян соҳасида оммавий фаолиятни жонлантиришга қаратилгандир. Мажбурий суғурта турини жорий этишдан якуний натижа шу суғурта тури бўйича ихтиёрий суғурта мукофотларнинг ошиши ҳисобланади. Миллий суғурта бозоримизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жорий этилган кейин суғурталанувчиларнинг транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари фаоллашгани юқоридаги гапларнинг тасдиғи ҳисобланади.

Мажбурий суғурта соҳасида иқтисодий жиҳатдан муҳимлигига қараб 40 га яқин суғурта турлари мавжуд бўлиб улардан фақат бир нечтаси ҳуқуқий амалга оширилиш механизми билан таъминланган, қолганлари эса қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган, шу сабабли уларнинг амалга оширилиш



механизмларини Ўзбекистонда ўрнатилган тартибларга мувофиқлаштириш ва халқаро амалиётга мослаштириш талаб этилади.

Ҳозирги босқичда мажбурий суғурта турларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйдагилардан иборат:

– Суғурта хизматлар бозорида мажбурий суғурталашнинг қонуний базасини шакллантириш;

– мажбурий суғурталашнинг услубиётини ривожлантириш;

– суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишнинг самарали механизмларини яратиш;

– хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда миллий суғурта тизимини халқаро суғурта бозорига интеграциясини таъминлаш.

Мажбурий суғуртанинг ҳар қандай турини жорий этишда суғурта захираларини шакллантириш тамойилига асосланиши керак, бунда суғурталанувчилар ҳисобидан шаклланган суғурта фонди фақат суғурта ҳодисаси содир бўлган шахсларга зарарларни қоплаш учун ишлатилиши керакли қатъий белгиланиши, шунингдек бу маблағлар суғурталовчиларнинг молиявий ахволини яхшилашга сарфланиши мумкин эмас. Мажбурий суғурта турлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда, қонун ҳужжатларини чуқур молиявий ва иқтисодий таҳлил қилган ҳолда қабул қилиш, суғурта ҳимоясини тақдим қилишда муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш имкониятларини тўлиқ кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари, мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонунчиликда мажбурий суғурта қилишнинг назарий асосларини киритиш керак.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда мавжуд мажбурий суғуртанинг услубий, объектив ва статистик маълумотлар базасини шакллантирилганлиги ўз навбатида қўйдаги мажбурий суғурта турларини жорий этишга асос бўла олади:

1. Бино ва иншоотларни ёнгин ва табиий офатлардан суғурта қилиш;

2. Хавфли юкларни ташишда катта авариялардан суғурта қилиш;

3. Қишлоқ хўжалиги хавфларини суғурта қилиш;

4. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизматларни кўрсатувчиларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш;

5. Касбий жавобгарликни суғурта қилиш (нотариуслар, тиббиёт ходимлари, адвокатлар, риелторлар ва бошқа).

Мажбурий суғурталашнинг асосий иқтисодий фойдасибу табиий офатларининг кутилмагандаюз бериши бюджет маблағларини сарфламасдан мамлакат бўйлаб кўплаб объектлар ва шахсларнинг суғурта қопламасини таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, яхши йўлга қўйилган мажбурий суғурта тизими мамлакатда миллий жамғармаларни ҳаракатга келтирувчи ва иқтисодиётга инвестицияларни киритишга хизмат қилади. Суғурта компаниялари 2018 йилда 2010,7 млрд, сўм миқдоридан инвестициялар қилишган, шунингдек суғурта

компаниялари капитал бозорида молиявий воситачилар сифатида фаолият ҳам олиб борадилар.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчи навбатда мажбурий суғуртани жорий этишдан асосий мақсад бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни шаклландирган суғурта захиралари ҳисобидан камайтиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун юқорида келтирилган мезонлардан фойдаланган ҳолда мажбурий суғурта тизимининг самарали ишлаши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш самарадорлигини ошириш зарур. Бироқ ушбу чора-тадбирлар суғурта фаолиятининг мазкур соҳасида монополия шаклланишига йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари, мажбурий суғуртани амалга ошириш механизмларини белгилайдиган қонунчилик базасини такомиллаштириш, шунингдек мажбурий суғуртани тартибга солувчи республика қонунларини қабул қилиш лозим.

Мажбурий суғурта турларини ривожлантиришда, авваламбор, мавжудларини сақлаб қолган ҳолда уларни такомиллаштириш зарур. Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги мавжуд камчиликларга қарамай бугунги кунда мажбурий суғуртанинг самарали тизими ривожланиб келмоқда, суғурта инфратузилмаси шаклланди ва мажбурий суғурта турларини амалга оширишнинг ўзига хос тажрибаси тўпланган. Қисқа вақт ичида давлат монополиясига барҳам берилиб ҳақиқий мустақил миллий суғурта тизими шаклланиб келмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алексеева, Е.В. Основные тенденции на рынке обязательного страхования / Актуальные проблемы регионального развития: межвузовский сборник научных трудов / под ред. д.э.н., проф. Т.Д. Дегтяревой. Вып. 4. - Оренбург: ИПК ГОУ ОГУ, 2008. 164 – 168 с.

2. Ширшов В Ю Теоретические аспекты сущности обязательного страхования // Приложение к журналу «Экономические науки» 2006 -№1 -0,65 п л.

3. Cristian Buzatu. The Influence of Behavioral Factor son Insurance Decision a Romanian Approach. Procedia Economics and Finance 6 (2013) 31 – 40p.

4. М.В.Огородова, О.И.Курылева, Т.Н.Куль. О современных проблемах системы обязательного страхования в РФ. «Вестник Мининского университета» 2016 – № 1. 1 – 7 с.

5. Абдурахмонов И.Х. Теория и практика страхования. Учебник/ – Т.: «Иқтисод молия». 2019 й. 353 – 354 с.

6. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг интернет саҳифаси маълумотлари.